

Сийрат 179-дарс. Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли



00:42 / 02.04.2022 3438

695. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта Аллоҳ менинг умматимдан кўнглидан ўтказганини, агар уни гапирмасалар ёки қилмасалар, кечириб юборади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

696. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бомдоднинг иккинчи рукуъсидан бошларини кўтарганларида ва **«Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ»** деганларидан кейин **«Аллоҳим, фалончи, фалончи ва фалончиларни лаънатлагин»** деганларини эшитди. Шунда Аллоҳ **«Бу сенинг ишинг эмас! У зот ё уларнинг тавбасини қабул қилар ёки азоблар? Бас, улар золимлардир»**(ояти)ни нозил қилди.

Бошқа ривоятда:

«Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилди. Исломга киришди ва Исломлари гўзал бўлди» зиёда қилинган.

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

697. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У қандай ҳам яхши вакил»ни Иброҳим алайҳиссалом оловга ташланганларида айтганлар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам (мусулмонларга) «Албатта, одамлар сизга қарши куч тўплашди, улардан қўрқинглар», дейилганда уларнинг иймонлари зиёда бўлиб: «Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У қандай ҳам яхши вакил...» дейишганида буни айтганлар».

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан